

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

7 ЖИЛД, 3 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 7, НОМЕР 3

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 7, ISSUE 3



СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА | INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

№3 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2024-3>

Бош муҳаррир:
Тўхтасинов Илҳом
п.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:

Главный редактор:
Тухтасинов Илхом
д.п.н., профессор (Узбекистан)

Заместитель главного редактора:

Editor in Chief:
Tuhtasinov Ilhom
DSc. Professor (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ

Назаров Бахтиёр
академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўғли
ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Бокиева Гуландом
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Махмудов Низомиддин
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил
ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматкул
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахиммамед
к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форт
Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддиқова Ирода
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар
ф.ф.д. (Грузия)

Туробов Бекпулат
масбул котиб, PhD, доцент
(Ўзбекистон)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

Назаров Бахтиёр
академик. (Узбекистан)

Якуб Умар оглы
д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Бакиева Гуландом
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Миннуллин Ким
д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Керимов Исмаил
д.ф.н., профессор (Россия)

Джураев Маматкул
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Куренов Рахыммамед
к.ф.н. (Туркменистан)

Кристофер Жеймс Форт
Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Мирзаев Ибодулло
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Балтабоев Ҳамидулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Дустмухаммедов Хуршид
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Лиходзиевский А.С.
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Сиддиқова Ирода
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Шиукашвили Тамар
д.ф.н. (Грузия)

Туробов Бекпулат
отв. секретарь, PhD, доцент
(Узбекистан)

EDITORIAL BOARD

Bakhtiyor Nazarov
academician. (Uzbekistan)

Yakub Umarogli
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort
University of Michigan (USA)

Umarkhodjaev Mukhtar
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Shiukashvili Tamar
Doc. of philol. scien. (Georgia)

Turobov Bekpulat
PhD Ass. prof. Senior Secretary
(Uzbekistan)

PageMaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

1. Yulbarsov Ochilbek Obidjon o'g'li KORPUS TAHLILI ASOSIDA KORONAVIRUS (COVID-19) SO'ZINING LEKSIK-SEMANTIK TADQIQI.....	5
2. Jabborov Erkin Xolliyeovich TASVIRIY SAN'AT TA'LIMIGA OID KOMPETENSIYAVIY YONDASHUVNING PEDAGOGIK VA PSIXOLOGIK MAZMUNI.....	10
3. Шукурова Азиза Хайруллоевна САРИОСИЁ ТОЖИК ЛАҲЖАЛАРИДА ТУРКИЙ СЎЗЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ ВА УЛАРНИНГ ЛЕКSIK-SEMANTIK ХУСУСИЯТЛАРИ.....	15
4. Ювашева Шоира Махамадовна ПЕРЕВОДЧЕСКИЙ АСПЕКТ КУЛЬТУРНО-МАРКИРОВАННОЙ ЛЕКСИКИ.....	21
5. Tagaeva Sayyora Ulashevna, Urazqulova Aziza HOZIRGI ZAMON NEMIS TILI LINGVO DIDAKTIK SISTEMASIDA INGLIZ TILIDAN O'ZLASHTIRILGAN ATAMALAR VA ULARNING STRUKTUR SEMANTIK ХУСУСИЯТЛАРИ.....	26
6. Лизахан Уразмбетова АКТЁРЛЫҚ ШЕБЕРЛИГИН ӨЗЛЕСТИРИЎДЕ ГҮЗЕТИЎ ШЫНЫҒЫЎЛАРЫ.....	31
7. Yuldasheva Dilshoda Musayevna FRANZ BOAS, EDWARD SAPIR AND LEONARD BLOOMFIELD AS FOUNDERS OF AMERICAN STRUCTURALISM.....	35
8. Nuritdinova Shahnoz Sadridinovna BOLALAR SHE'RIYATIDA BADIY IFODA AN'ANASI VA TAKOMIL.....	40
9. Комила Мамадиёрова ПОЭТОНИМЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ВАЗИФАЛАРИ.....	47
10. Минхожиддин Ҳожиматов МИЛЛИЙ ХАРАКТЕР ШАКЛЛАНИШИДА ҚАДРИЯТ, АНЪАНАЛАР ВА ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ.....	53
11. Shukurov Uktam Baxodirovich EXPLORING THE IMPACT OF MOTIVATION AND PROFICIENCY ON PRAGMALINGUISTIC AWARENESS IN SECOND LANGUAGE LEARNING.....	63
12. Лазиза Джиянбаева РАНГЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ СТЕРЕОТИПЛАРНИНГ ТИЛ БИРЛИКЛАРИГА ТАЪСИРИ.....	67
13. Khalova Maftuna Abdusalomovna, Kayumova Gulsanam Sadridin qizi IN THE STORY "HELP TELEPHONE" BY KHAYRIDDIN SULTONOV. REFLECTION OF LIFE EVENTS.....	75
14. Shamsiyeva Gulshoda Asliddin qizi LINGUISTIC BASIS OF PARALLEL CORPUS IN THE CREATION OF MT MODELS FOR UZBEK-ENGLISH LANGUAGES.....	81
15. Nazokat Kuvondiq qizi Sadullayeva, Barnoxon Abdulazizovna Pulatova ABDULRAZZOQ GURNAHNING "PARADISE" ("JANNAT") ROMANIDA DINIY VA DUNYOVIY MUSHTARAKLIK.....	87
16. Ziyadullayev Abubakir Ibodulla o'g'li ALFRED DE MYUSSENING "ASR FARZANDINING DIL IZHORI" ASARINING POETIK TAHLILI.....	92
17. Абулкасимова Нодира Мирзакаримовна ОСОБЕННОСТИ ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ ЭВФЕМИЗМОВ В ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ТЕКСТАХ.....	96
18. Gulchehrahon Rahmanova OILADA BOLALAR MULOQOT MADANIYATINI TARBIYALASHNING MAVJUD HOLATI.....	102

19. Bumatova Aidaxon Merganovna HOFIZ: PIRI MUG‘ON BANDASI.....	108
20. Фозилжон Шукуров ТЕМУРИЙ ҲУКМДОРЛАР ДАВРИДА МОВАРОУННАҲР АДАБИЙ МУҲИТИНИНГ РИВОЖИ.....	113
21. Mirzoyeva Yulduz Yusup qizi BADIY JANRLAR TAHLILI (“MING BIR KECHA” ASARI SHE’RIY MATNLARI ASOSIDA).....	120
22. Xasanova Gulrux Xayrullayevna NOVERBAL VOSITALARNING KELIB CHIQISHI VA RIVOJLANISHI.....	125
23. Озодаҳон Мусаева ЭРКИНОЙ СУЛТОНОВА ШЕЪРЛАРИНИНГ ЛИНГВОСТИЛИСТИК ТАДҚИҚИ.....	129
24. Умитой Хушвақтова ЁЗУВЧИ ЗУЛФИЯ ҚУРОЛБОЙ ҚИЗИ АСАРЛАРИДА ПАРАЛИНГВИСТИК ВОСИТАЛАР.....	139
25. Минхожиддин Хожиматов ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА ШЕЪРИЯТИДА МИЛЛИЙ ЎЗЛИК ТУЙҒУСИНИНГ ФАЛСАФИЙ – ТАРИХИЙ ТАЛҚИНИ.....	146
26. Исмоил Хусаинов САМАРҚАНД БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОР РАҚСЛАРИНИНГ МУСИҚА САНЪАТИ БИЛАН УЙҒУНЛИГИ.....	154
27. Abdullayeva Shahnoza Rahimjon qizi FUNCTIONAL ANALYSIS OF REPRESENTATION AND DISTRIBUTION OF THE MEANING IN CONTEXT.....	161
28. Saidova Rayhon Bekmurodovna QADIMGI SHARQ VA G‘ARB ADABIYOTIDA SHE'RSHUNOSLIK HAQIDAGI QARASHLARNING O‘ZIGA XOSLIKLARI.....	166
29. Ачилова Озода Фарходовна БУЙРУҚ МАЗМУНИДАГИ МАҚОЛЛАРИНИНГ МАЗМУН КЎЛАМИ ВА ИФОДА УСУЛЛАРИ (япон ва ўзбек тиллари мисолида).....	171
30. Sajid Valiya Valappil O‘ZBEKISTONDAGI Z AVLODINING KUNDALIK HAYOTIDA TIL DINAMIKASI TAHLILI: KOD ALMASHTIRISH VA JARGON (SLENG).....	176
31. Soatova Yulduz BOBUR SHE’RIYATIDA “GO‘ZALLIK” TUSHUNCHASINING YUZ TASVIRI ORQALI IFODA ETUVCHI VOSITALARNING LEKSIK-SEMANTIK TAHLILI.....	183
32. Malika Islamova TELEVIDENIYEDA TELEPRODYUSERNING FUNKSIYASI: ASOSIY YO‘NALISHLARI, IJODIY HAMDA MOLIYAVIY BOSHQARUVI.....	189
33. Nurmuxammedov Yusuf Shakarboyevich TURLI TIZIMLI TILLAR FRAZEOLGIK BIRLIKLARIDA GAVDALANGAN “TAQDIR” KONSEPTINING KONSEPTUAL TAHLILI.....	194




ISSN: 2181-9297

www.tadqiqot.uz

Озодахон Мусаева,
Қозоғистон Республикаси,
Жумабек Ташенев номли университет,
филология факультети ўқитувчиси

ЭРКИНОЙ СУЛТОНОВА ШЕЪРЛАРИНИНГ ЛИНГВОСТИЛИСТИК ТАДҚИҚИ

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.13834899>

АННОТАЦИЯ

Бадиий асар образли нутқнинг чексиз имкониятларини юзага чиқарувчи энг муҳим восита ҳисобланади. Бунда, асосан, ижодкорнинг сўзни руҳан ҳис қилиши, сўзни қўллашдаги бадиий маҳорати етакчи вазифани бажаради. Таниқли шоира ва таржимон Эркиной Султонованинг назмий ва насрий асарлари энг аввало миллий руҳ, миллий ўзлик туйғусининг, қадрият ва дунёқарашнинг бадиий ҳамда ҳаётий оҳангларда рангин, ўта таъсирчан ифодаланиши билан қимматлидир. Муаллифнинг ҳаётий позицияси, дунёқарashi, воқеликка муносабати кўнгил концептида яна ҳам ёрқинроқ намоён бўлади. Унинг шеърларида қофиялари пишиқ, ички оҳанглари ниҳоятда жарангдор, жозибали, ҳар бир сўз, ҳар бир ибора инсоний самимий туйғулар ифори, нафосати билан зийнатланган. Шоира оддий ҳаётий воқеалардан фалсафий хулоса чиқарар экан, киндик қони томган табаррук тупроққа садоқатнинг, миллатлараро тотувликнинг илдизларини халқ оғзаки ижоди намуналаридан излайди, шеърини санъатлар воситасида ёрқин миллий образлар яратади, унинг янги қирраларини кашф этади, китобхоннинг қалб торларини чертадиган оҳангни топади. Маскур мақолада шоира Эркиной Султонова шеърларининг лингвопоэтик, лингвостилистик хусусиятлари тадқиқ қилинади.

Калит сўзлар: табиат, сўз бирикмаси, куз, мақол, ибора, тил, маҳорат, тазод, лексик қатлам, услуб, тасвир.

Ozodakhon Musaeva,

Teacher of the Faculty of Philology of the Jumabek
Tashenev University in the Republic of Kazakhstan

LINGUISTIC STUDY OF ERKINOY SULTONOVA'S POEMS

ANNOTATION

The work of art is the most important tool that creates the unlimited possibilities of figurative speech. In this, the creator's spiritual feeling of the word, artistic skill in using the word plays a leading role. The poetic and prose works of the famous poetess and translator Erkinoy Sultonova are valuable, first of all, for their colorful and impressive expression of the national spirit, the sense of national identity, values and outlook in artistic and life tones. The author's life position, worldview, and attitude to reality are even more vividly reflected in the concept of the heart. In her poems, the rhymes

are mature, the internal tones are extremely resonant, attractive, every word, every phrase is decorated with the expression of sincere human feelings, sophistication. The poetess's philosophical conclusion from ordinary life events while drawing out, she looks for the roots of loyalty to the blessed soil, where the umbilical cord blood dripped, and the roots of inter-ethnic harmony in the examples of folk oral creativity, creates bright national images through poetic arts, discovers new aspects of it, finds a melody that touches the heartstrings of the reader will be researched.

Keywords: nature, phrase, autumn, proverb, phrase, language, skill, contrast, lexical layer, style, image.

Озодахон Мусаева,

преподаватель филологического факультета
университета имени Жумабека Ташенева (Казахстан)

ЛИНГВИСТИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ СТИХОТВОРЕНИЙ ЭРКИНОЙ СУЛТОНОВОЙ

АННОТАЦИЯ

Произведение искусства является важнейшим инструментом, создающим неограниченные возможности образной речи. В этом ведущую роль играет духовное чувство слова творца, художественное мастерство в использовании слова. Поэтические и прозаические произведения известной поэтессы и переводчицы Эркиной Султоновой ценны, прежде всего, красочным и впечатляющим выражением национального духа, чувства национальной идентичности, ценностей и мировоззрения в художественных и жизненных тонах. Жизненная позиция автора, мировоззрение, отношение к действительности еще более ярко отражены в концепции сердца. В ее стихах рифмы зрелые, внутренние тона чрезвычайно звучные, привлекательные, каждое слово, каждая фраза украшены выражением искренних человеческих чувств, изысканностью. Будет исследован философский вывод поэтессы из обыденных жизненных событий, она ищет корни верности благословенной почве, где капала пуповинная кровь, и корни межнационального согласия в образцах народного устного творчества, создает яркие национальные образы посредством поэтического искусства, открывает в нем новые грани, находит мелодию, которая трогает струны души читателя.

Ключевые слова: природа, фраза, осень, пословица, фраза, язык, мастерство, контраст, лексический пласт, стиль, образ.

Ҳар бир қаламқаш ижод оламига ўз сўзи, туйғу ва кўнгил оҳанглари, ўзига хос ифода услублари билан кириб келади. Кимнингдир тафаккур уммони чексиз, кирғоқлари бақувват, кимнингдир сўзлари улғувор ва ўқтам бўлса, яна кимдир ўйноқи оҳангда соз чалади, кимдир эса оддий сўзлардан жонли тимсол, изтиробли, армонли қалб манзараларини яратади.

Н.Маҳмудов қайд этганидек, “истиқлол шарофати билан миллий ўзлик, миллий ифтихор, миллий маънавият деган тушунчалар барқарорлашди. Миллий кадриятларнинг муқаддаслиги чуқур англамоқда. Тилимизнинг ҳар тарафлама камоли умумдавлат ишига айланди” [18; 16]. Олам янгиланаётлар, тафаккурлар тўқнашаётган бугунги кунда лингвопоэтик моҳият касб этувчи тил бирликларини саралаш, уларни тил эгаларининг воқеликка, бизни ўраб турган борлиққа муносабати, нутқ объекти ҳақидаги умумий билимлари, мулоқот вазияти, контекст каби нолисоний омиллар билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш долзарб масалага айланди.

Қозоғистон Республикасида яшаб, ўзбек тилида ижод қилаётган қаламқашлар орасида шоира ва таржимон Эркиной Султонованинг асарлари майин оҳанги, халқ оғзаки ижодига хос ривоят услуби билан ажралиб туради. У доимо сўзга кўчган тафаккур ва тасвир, ҳолат ва ҳаракатнинг узвий боғлиқ ҳолда воқе бўлишига эътибор беради. Унинг шеърларида, айниқса, табиат ва инсон руҳияти мавзуси устуворлик қилади, табиат манзаралари ва инсон руҳий кечинмалари ўртасидаги кўзга кўринмас яқинлик ўхшатиш, жонлантириш, муболаға санъатларининг гўзал намуналарида янада ёрқинлашади. Кўнгил концептидаранглари ниҳоятда

куюқлашади, муаллифнинг ҳаётий позицияси, дунёқараши, воқеликка муносабати ҳам тиниқлашади, ҳам кескинлашади. Ижодкорнинг дунёни ҳис қилиш, идрок этиш қобилияти унинг манзаралар яратишида янада ёрқинроқ кўзга ташланади:

Бирда шунча нозик,нафис,беғубор,
Бирда тошдай қаттиқ, совуқ қаҳринг бор,
Бир **ширин** саломдан – кўкка парвоз ёр,
Бир **аччиқ** каломдан топасан озор,
Оҳ синиқ кўнглима, яримта кўнглим. ”Оҳ синиқ кўнглима...”

Одатда ёлғиз аёлларга кўпчилик ачиниш билан қарайди. Нима учундир, унинг ҳаётини, турмуш тарзини, қисматини ҳамма ўзича муҳокама қилгиси келаверади. Шоира “Дарахт ва мен” шеърисида барча қийинчиликларни енгган яқка дарахтни ёлғиз аёл тақдирига қиёслайди. Толнинг ўзи ёлғиз бўлса-да, ўктам ва хушҳол эканлигига ҳавас билан қарайди:

Қашқасувнинг бўйи,мағрур тол экан,
Мендек ёлғиз,лек бардам, хуш ҳол экан.
Довул,бўрон синагандир бардошин,
Мендек ўктам, тоқатли, як хол экан.

Э.Султонова шеърларида ўхшатиш, қиёслаш, жонлантириш, антитеза,муболаға, метафора каби шеърый санъатлардан унумли фойдаланади. Юқоридаги сатрларда “довул,бўрон” каби кучли рамзий тимсолларни қўллаш орқали ўктам ва тоқатли, иродали аёл образига урғу беради, ҳамда инсон билан табиатни қиёслайди, ёнма –ён,параллел тасвирлайди. Аёл қалби кечинмаларига мутаносибликни табиатда, табиат ҳодисаларини эса инсон сийратида кўради. Одатда, бадий тасвир воситаларидан ўхшатиш асарда образ ва манзара яратиш билан бирга ижодкорнинг воқеликка бўлган муносабатини аниқ ифодалайди. “Бирор предметнинг маълум бир белгисини бошқа бир предметга солиштиришга *ўхшатиш* дейилади . “Ўхшатиш предметларнинг тўғридан-тўғри ўхшаш томонларини кўрсатиш орқали ёки -дек (-дай) қўшимчаси ҳамда ўхшаш, худди, гўё, мисли, мисоли, сингари, янглиғ, бамисоли каби кўмакчилар ёрдамида юзага келади.” [7;117].

Жилғадек сакрасанг зил харсанглардан,
Юзларинг чўғланса лола ранглардан. “*Майлими?*”

Куз, япроқ мисоли титрайди қалбим,
Узилиб кетмасми, юрак бандидан?
Куз менинг ўзимдир, у менинг юзим,
Сарғайиб бормоқда хижрон дастидан! “*Соғинч*”

Сени кўрмоқ учун бахтиёр, хушҳол,
Жилвагар куёшдек очардим жамол. “*Майлими?*”

Ҳижрон булутлари қора ва оғир,
Қалбим осмонини қоплаб олдилар.
Ойнақлар нақшинкор,рассом – қаҳратон,
Оқ гилам ёпинган,оқ қорли жаҳон. “*Қиш келди*”

Содда ва самимий мулоқот оҳанги замирида жонли ҳамда теран ҳаётий идрок мужассам.Профессор Н.Маҳмудовнинг фикрича, “Ўхшатишлар ўзига хос образли тафаккур тарзининг маҳсули сифатида юзага келади. Шунинг учун ҳам улар нутқда ҳамиша бадий – эстетик қимматга молик бўлади, нутқнинг эмоционал – экспрессивлиги,ифодалилиги, таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилади”[1;5]. Китобхонни хаёлот дунёсига чорлайди, фикрлашга ундайди.

Э.Султонова фақат сўзлар билан эмас, балки шеърый санъатлар воситасида тимсоллар, рамзлар билан фикрлайди. Бу услуб муаллифга туйғулар манзарасини янада рангин ва ёрқинроқ ифодалаш имконини беради. Шоира лексикологиянинг муҳим категорияларидан бири бўлган антоним сўзларни маҳорат билан қўллайди.Антитеза фикрни ихчам, равон,

таъсирли баён қилишда муҳим аҳамиятга эга. Унинг “Сен ўша...” шеърида кўнгил тубидаги туғёнлар, сезимлар тилга киради. Ҳам суйдирган, ҳам қуйдирган, минг машаққатларга дуч қилган, қачонлардир юракнинг тубига чўккан илк муҳаббатнинг бир – бирига қарши, дардчил оҳанглари акс – садо беради:

Сен-ўша, савобим ҳамда гуноҳим,

Сен-илк муҳаббатим, омон бўл, йигит! “Сен ўша...”

Шеърда *савоб* – *гуноҳ* антонимлари антитеза ҳосил қилган. Шоира “Дарахт ва мен” шеърида толни шундай таърифлайди:

Мендек ёлғиз, лек бардам, хуш ҳол экан *Ёлғиз – хушҳол*;

“Кўлингни узат!” шеърида шоира зиддиятли руҳий ҳолатларни – муҳаббат изтироблари ва армонларини анъанавий антитеза воситасида аниқ ва жонли кўрсатиб беради:

Жоним, соғинтирма, айланмай қузга,

Ўтли нигоҳингдан қалбимда *бахор*. “Кўлингни узат!”

Тақдирнинг сермашаққат йўлларида инсон қалби ва юрак туғёнлари ўзига хос синовдан ўтади. “Рухим-ла суҳбат” шеърида *гул* – *тикон*, *авайлар* – *қийнарсўзлари* ўзаро антитеза ҳосил қилган:

Ҳаёт шундай, гоҳида *гул*, гоҳ *тикон*,

Кўллариингга тутқазади этаклаб.

Пешонангда “тақдир азал” муҳри бор,

Гоҳ *авайлар*, гоҳ *қийнар* этаклаб,

Рухим, менинг ёшим тўкма ёноққа. “*Рухим-ла суҳбат*”

Устозлари йўлидан борган Э.Султонова қадим Шарқ шеъриятида кенг тарқалган антитеза усулининг бетакрор бадийий имкониятларини очди. “Бадийий адабиёт тилидаги антитеза усули (мумтоз адабиётда бу усул тазод деб юритилади) бир-бирига нисбатан қарама-қарши маъноларни берадиган сўзларни, ибораларни баёнда ёнма-ён қўллаш орқали образлиликни келтириб чиқаришга асослангандир” [17;219].

5 жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “антитеза – (юн. – қарама – қарши қўйиш) 1 Қиёсланувчи фикр, тушунча, образларни қарама-қарши қўйишдан иборат услубий йўл” эканлиги кўрсатиб ўтилган [18;88]. Антитеза нутқий ҳодиса бўлганлиги учун у турли тил бирликлари воситасида шакллантирилади. Қуйидаги мисраларда бир – бирига зид тушунчалар сифатида *ҳавас* ва *ҳасад*, *умид* ва *армон*, *гумон* ва *иймон* сўзлари юзлаштирилмоқда. Натижада, мантиқий жиҳатдан қарама – қарши тушунчаларни қиёслаш орқали шоира бадийий нутқни жонлантирган, уларга эмоционаллик, ифодавийлик, образлилик бахш этган:

Ҳаёт бу-*ҳавас*ва *ҳасад* ёнма-ён,

Ҳавас бўстонида яшайман шодон.

Ёлғизлик кемирар, қолдим мен қариб,

Умидли кўзларим армондан намлик...

Гумон-ла иймондан қолмай ажралиб,

Сени йўқотганим қилгандай камлик!

Профессор А.Мамажоновнинг фикрича, “Нутқда ифодалиликни кучайтириш мақсадида маъносига кўра бир – бирига зид тушунчалар, мазмун жиҳатдан бири иккинчисини рад қилувчи фикрларни қарама – қарши қўйиш орқали қиёслаш усули антитезадир. Антитезанинг асосий вазифаси контрастлаш ҳисобланади. Семантик контраст асосида махсус синтактик структурага эга бўлган нутқ бирликларини стилистик мақсадда қарама – қарши қўйиш натижасида антитеза ҳодисаси юзага келади” [2;27].

Куз-хазонрезги фасли. Кеч куз манзаралари инсон руҳиятида армонли ёшликни, муҳаббат изтиробларини ёдга туширади. Шоира дарахт шохидан узилай – узилай деб турган баргни кўнгилнинг чигал кечинмаларига ўхшатади:

Куз - япроқ мисоли титрайди қалбим,

Узилиб кетмасми, юрак бандидан?

Дардчил туйғулардан бутунлай воз кечмоқ учун аввало кўнгил ришталарини узмоқ керак.

Кўнглини узоқ ким (*ўзининг*) *нимадан ёки кимдан* юрагига яқин, интилган кишисидан ёки нарсасидан ажралишга қарор қилмоқ. [3;158].

Умуман, шеърятда кузнинг ҳижрон, кексалик, афеус ва пушаймонлик тимсоли сифатидаги тасвирлари кўп учрайди. Э.Султонова табиатнинг хазин товланишларида ўз руҳий ҳолати билан вобасталикни ҳис қилади, кузнинг қорамтир ёмғирларида, заъфар хазонларида бир умр юракда пинҳон сақланган, ҳамон умиди сўнмаган жавобсиз муҳаббатнинг суратини кўради:

Ҳижрон булутлари қора ва оғир, ўхш.
Қалбим осмонини қоплаб олдилар.
Азоблари кўчиб-кўзимда ёмғир,
Заъфарон юзимни ювиб солдилар,-

мисраларида инсоннинг ички изтироблари, нозик ҳиссиётлари табиат ҳодисалари билан уйғунликда ифодаланган. Шоира қаҳрамоннинг руҳий изтироб ва ҳасратларини ортиқча таърифлаб ўтирмайди, “қора” ва “оғир” булутлар қоплаган қалб осмони ва заъфарон юздан томаётган кўз ёш - лирик қаҳрамоннинг дилгир соғинчининг сурати юксак поэтик маҳорат билан тасвирланади:

Соғинч шунчаликми, хокисор кўнгил,
Ҳар битта оҳингдан сарғаяр япроқ.
Ҳар бир кадамимда тўкилади дил,
Хазонга айланиб, қораяр тупроқ.

Муаллиф **юраги тўкилиб турибди** фразеологизмини бироз ўзгартириб, ниҳоятда таъсирчан *тўкилади дил* шаклида қўллайди.

Юраги тўкилиб турибди кимнинг яъни алаmidан йиғлаб юбориш ҳолатида бўлмоқ. Вариант: тўкилиб турган юраг(и) маъносида қўллаган [3;319].

Армонли муҳаббатдан тобора узоқлашаётган лирик қаҳрамоннинг ҳасратли кадамидан дил тўкилиб қолмоқда, тупроқлар қораймоқда. Кейинги бандда умиди узилмаган, соғинч ва меҳрга тўла ўзбек аёлининг армонли илтижоси қулоққа чалингандай бўлади:

Жоним, соғинтирма, айланмай кузга,
Ўтли нигоҳингдан қалбимда баҳор.
Кел, тезроқ, айлантир, умрим - Наврўзга,
Қувонтир, қудратли, умидли дийдор.

Муаллиф кузни-айрилиқ, кексалик тимсолида берган бўлса энди унга Наврўзни-баҳор, янги ланиш, яшариш, бахтиёрликни қарши қўймоқда. Кузга хос табиат ҳодисаларига фалсафий ёндашиб, унинг хислатларини лирик қаҳрамоннинг муҳаббатсиз ўтган умрдан афеуслари, армонларига таққослаяпти.

Танимда бир титроқ, вужуд ўртанар,
Нигоҳимда олов чақади чақмоқ.
Дилимда ғалаён, қонда-пўртана,
Кўнглини тилкалар момақалди роқ.

Кўзидан ўт чиқиб кетди иборасини *нигоҳимда олов чақади чақмоқ* шаклида қўллаб, шеърнинг таъсирчанлигини янада оширган.

Кўзидан ўт чиқиб кетди кимнинг қаттиқ қўрққанидан гўё кўзлари чакнаб кетди [3;137].

Кўнгли синди ибораси *кўнглини тилкалар* шаклида фикрнинг жозибадорлигини, сержилолигини, таъсирчанлигини янада оширган.

Кўнгли синди кимнинг зарба еб, маънавий шикаст топмоқ. [3;160].

Шоира ёрнинг ташрифи кўнгил синиқларини бутлаб, қалбни юксалтиришини чиройли жонлантиришлар орқали ифодалайди. Шеър якунида бир умр ўзини-ўзи чеклаб ўтган, юрагига буйруқ беролмаган, тирикликнинг моҳияти севиб-севилишда деб билган лирик қаҳрамоннинг дил ўкинчларини кўрамир:

Тезроқ кел, келақол!
Мен ногоҳ,

Соғинчдан сарғайиб,
Айланмай-Кузга!... “Соғинч”

Муаллиф инсон руҳиятининг табиат билан табиий ва жонли боғлиқлигини чуқур хис қилади, қалб тубидаги нозик кечинмалар, эврилишларга фалсафий ёндашишга, улар воситасида поэтик образ яратишга интилади. “Куз маликаси”, “Қиш келди”, “Қор юпанчи”, “Ёз ёмғири”, “Ногоҳ қор ёғди” шеърлари шулар жумласидан. Хусусан, “Малика тахтида замин бошқарар, Сарик кўйлагида, қиш келгунича!”, “Қордан рўмол ёпиниб олди, Мажнунтолнинг кокили толди”, “Кўклам кўкин ёпди оқ рўмол, Наврўзда қор- кимга ҳам керак?” каби мисраларида “ярқ” этиб, қўзга ташланадиган нарса- ҳар бир фасл аёл тимсолида тасвирланган. “Қор юпанчи” шеърини таҳлил қиламиз:

Қордан рўмол ёпиниб олди,
Мажнунтолнинг кокили толди.

Қадди эгик, маҳзун, паришон,
Сой тубига термулиб қолди. “Қор юпанчи”

Қадди дол бўлди иборасини халқ сўзлашув оҳангига яқинлаштириб, **қадди эгик** шаклида қўллайди.

Қадди дол бўлди кимнинг нимадан гавданинг белдан юқори қисмини кўтара олмай энкайиб қолмоқ. [3; 341] Бу ўринда муаллиф мажнунтолни жонлантириб уни паришон, маҳзун, ташвишлардан қадди эгиклигини тасвирлайди.

Шоиранинг поэтик маҳорати шундаки, қаҳрамон руҳиятини очишда, асосан, жонли тасвирлардан кенг фойдаланади. Бетакрор ўхшатиш, қиёслашлар “Мажнунтол” образини зийнатлайди. Қордан рўмол ёпиниб олган мажнунтол ўқувчининг завқини оширади. Соё тубига термулиб кокиллари толган мажнунтол, гоҳ кўнглида ғулув мажнунтол, оппоқ либосли мажнунтол, хаёли тўзгин мажнунтол каби тасвирий бирикмалар ўта табиийлиги билан китобхонни ром қилади. Табиат сирларини кашф этишда халқона сўз ўйинларига, тасаввурнинг учқурлиги, хаёл дунёсининг кенглигига таянади:

Қор остида қолди бойчечак,
Орзиқди оҳ, оқ қордан юрак.
Кўклам кўкин ёпди оқ рўмол,
Наврўзда қор-кимга ҳам керак?

Муаллиф табиатнинг ўзгариб турувчи ходисаларида ҳаётнинг азалийлигини, умрнинг бебаҳолигини, ҳаваснинг ўткинчилигини кўради. Қор остида қолган бойчечакка ачиниб, юраги орзиққан муаллиф ўз - ўзи билан суҳбатлашганча, табиат ходисаларини кузатишда давом этади:

Ўрик бўртиб, ғунча очганди,
Бодом гуллаб, ифор сочганди,
Турна йўлин пойлаган кўзлар,
Нигоҳлари майса кучганди. “Ногоҳ қор ёғди”

Ўриқнинг “бўртиб ғунча” очиши, бодом гулининг ифори, турналар йўлини пойлаган кўзлар ва майса кучган нигоҳлар ҳақидаги образли тасвирлар китобхон қалбига муҳрланади.

Эркиной Султонова сўзнинг моҳиятини, ички жозибасини, мажозий, серқатлам маъноларини чуқур ва нозик хис қилади. Унинг шеърларида замон ва замондошнинг қалб зарблари эшитилиб туради. Шоира қаҳрамонларининг ички қиёфасини, руҳий оламини ранг - баранг бўёқларда тасвирлайди. “Сен-ўша” деб номланган шеърда шундай дейди:

Сен-ўша, ушалмас армоним, оҳим,
Қўл етмас кўкдаги маъбудим, моҳим.
Сен-ўша, савобим ҳамда гуноҳим,
Сен-илк муҳаббатим, омон бўл, йигит!

Сен-ўша...

Армон бўлган муҳаббатнинг “хаёлим ўғирлаган ёр”, “оромдан айирган дилдор”, “Вужудим ёндирган оташ”, “суҳбати дилкаш” каби сифатлашлар, *савобим-гуноҳим, оҳим -*

моҳим сингари тазод санъатининг гўзал намуналари билан зийнатланиши шеърнинг таъсирчанлигини таъминлайди.

Шеърда халқ орасида кўп учрайдиган “кўл етмас” ибораси қўлланган. **Кўл(и) етмайдиган кимнинг** ҳукмини ўткази олмайдиган, айтганини қилдира олмайдиган, Кўл(и) калта **кимнинг** чекланган имкониятга эга [3; 362] маънолари мавжуд бўлиб, шеърда бу ибора ушалмас орзу маъносини берапти.

Э.Султонованинг ҳаёт воқеликлари тасвирланган шеърларида тирикликнинг моҳияти, табиат ва руҳиятнинг ўзаро боғлиқ, чамбарчас қирралари усталик билан ёритилган:

Кўшиқларим аро йўлда тиниб қолди,
Дил рубобинг чертолмадим, синиб қолди,
Кўл узатсам, нетай, сенга етолмадим,
Кўзларимда чакқан чакмоқ сўниб қолди. (“Кечдим бугун”)

Кўнгилинг муҳаббат қўшиғи бахт манзилига етиб бормади. Муҳаббат рубоби бошлаган оҳанг ҳам ярмидан узилди. Севги ва ҳижрон оралиғида қолиб кетди. Шоира муҳаббатнинг заволини лаҳзада ёниб ўчувчи чакмоққа қиёслайди. Инсон чакмоққа тик қарай олмайди. Одатда, қарагунча чакмоқ сўниб бўлади. Минг афсуски, чакмоқ умридек қисқа муддатли муҳаббатнинг азоблари, оғриқлари бир умрлик бўлар экан:

Унут, дедим юрагимга, кўна қолмас,
Ишқ риштасин осонликча уза олмас,
Кўзим қиймас, сен акс этган хотиралар,
Иймон бутун, нафси шайтон буза олмас.

Шоира аёл руҳиятидаги туғёнларни, ички кечинмаларни, кўнгил ҳайқириғини ифодалашда сўзларни зимдан саралайди. Юқорида келтирилган банддаги “Дил рубобинг чертолмадим, синиб қолди”, “Кўзларимда чакқан чакмоқ сўниб қолди” мисралари ўқувчида қахрамоннинг руҳий ҳолати ҳақида аниқ тасаввур уйғотса, кейинги банддаги “кўна қолмас”, “уза олмас” бирикмалари шеърнинг таъсир кучини оширади.

“Ўзбек тилининг фразеологик луғати”да *кўзи қиймади* ибораси шундай изоҳланади:

Кўз(и) қиймади *кимнинг* 1 кимни ёки *нимани* қилишга кўнгилчанлик туфайли ботинолмаслик. [3; 142] Шоира айнан ёр билан боғлиқ хотираларни эслатувчи суратларни йиртиб ташлашга ўзида куч топа олмаган лирик қахрамон тимсолини аниқ бера олган.

Э.Султонованинг онага бағишланган шеърларида фарзанд соғинчининг тафти, соғинчининг ҳарорати бор. Уларнинг тили, услубида миллий колорит, халқона руҳ сезилиб турибди:

“Сиртим бутун, ичим тутун” дард енгди -ей,
Мана юрак, дегувчи бир мард борми-ей?
Онажоним, ҳеч ким сендек бўлолмаскан,
Сен асраган кипригимга гард кўнди-ей. (“Тушкун дамлар”)

Шоира “**Сирти ялтироқнинг - ичи қалтироқ**” [5; 192] мақолини бутунлай ўзгартиради, унга янгича маъно юклайди. *Сиртим бутун, ичим тутун* шаклида қўллайди. “Маънолар маҳзани”да мазкур мақол шундай шарҳланади:

Сирти ялтироқнинг ичи қалтироқ Бу мақолни ташқи кўринишига зеб бериб, башанг кийиниб, пардоз – андоз қилиб, бўяниб, тараниб, “қўлини совуқ сувга ургиси келмайдиган”, меҳнатга бўйин қўймаган олифталарга қарата киноя ва истехзо тарзида айтадилар [4; 393].

Усти ялтироқ, ичи қалтироқ кўриниши бежама, мазмун – моҳияти эса ночор, паст баҳога лойиқ [3; 122].

Шеърнинг биринчи мисрасида “Сирти бутун, ичи тутун” деган халқ мақолининг қўлланиши биринчи навбатда эмоционал бўёқларни қуюқлаштиради, иккинчи томондан унинг маъносини эслатиб, китобхонни мулоҳазага чорлайди. Яъни, атрофимиздаги одамлар киши кўзига бахтли кўрингани билан, ҳар бирининг ўзига яраша ташвиши борлигини англатади.

Минг - минг асрлар муқаддам Туркистон кенгликларида туғилган мифлар, дostonлар, эртақлар, термалар, мақол ва иборалар таъсирида қалбида сўз санъатига, сўз сеҳрига муҳаббат

уйғонган Эркиной Султонова халқ оғзаки ижодини битмас-туганмас хазина манбаи, қайнар булоқ деб билади. Зеро, “Фольклор ёзувчи онги ва тушунчаси, хотирасига фақат бевосита ижодий ўзлаштирадиган бадий материалгина бўлиб қолмай, айти чокда ёзувчининг тасаввурини кўзғовчи, унга туртки берувчи бой ассоциациялар туғдирувчи, тасвирланувчи воқеликни тўла ва ўз бўёғида бера олувчи мураккаб таассуротлар туғдирувчи кучли бадий хазина” [17;110] сифатида шоиранинг истеъдодли қаламидан тўкилаётган ўта ҳароратли, нафис, самимий туғёнларга ҳамоҳангдир.

Юқорида шоиранинг сўз танлаш маҳорати, хаёл дунёсининг уйғоқ ва рангинлиги ҳақида фикр юритдик. У табиатдаги манзараларнинг сирли тасвирлар суратини чизади, ўқувчини ўйлантирадиган, мулоҳазага чорлайдиган поэтик образлар яратади:

Сулув тун ҳар кеча,
Билаги толганча,
Ўй сурар, хўрсинар,
Бечора, ҳар кеча .(“Тун”)

Тун - бу қоронғулик, зулмат тимсоли, кундузги ишлардан тиниб, ором олиш лаҳзалари, шунинг баробарида қандайдир қора, оғир ўйлар босиб келадиган вақт. Шоира тунни “сулув” дея таърифлайди, уни жонлантиради, ўқувчини ишонттиради, гўзал манзара яратади. “Билагитолганча” заминни кузатаётган Тун нималарни ўйлаб, хўрсинаётганлиги китобхонни ҳам мушоҳадага ундайди. “Кулранг осмон, ковоғингни оч энди”, “Шуълалар рақсидан мавжланар анҳор”, “Майсалар бўйнида шабнамдан маржон”, “Кунлар – тасбех доналари, Ўтаверар саф-саф бўлиб”, “Олча гули, гўё, оқ каптар, Қўнаётир атрофга майин” каби метофоралар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Эркиной Султонова шеърларининг тили содда, халқона, қофиялари равон. Шоира ўз ижодида ибора ва мақоллардан ғоят унумли ва ўринли фойдаланади. “Тинчлик” шеърида:

Токи оламда бор дўстлик деган ном,
Кўк самода порлар тинчлик қуёши.
Тинчлик-чун курашар жамики инсон,

Қилич кесса ҳамки, эгмайди бошин.

“Маънолар маҳзани” китобида юқоридаги “Қилич кесса ҳамки, эгмайди бошин” мисраси замирига сингдирилган “Бошинга қилич келса ҳам тўғриси сўзла” мақолини “Сунган бўйинни суғурилган қилич кесмас” вариантыга дуч келамиз. У шундай изоҳланади: “Киши мағрурлик, такаббурлик билан кеккайиб, “айтганим-айтган, деганим- деган” деб, ўжарлик, гожлик қилмай, бундоқ “пастроқ тушса”, ўзини нечоғли камтар тутса, ширинсухан бўлса, бировни айтганига кўнса, ҳар қандай қаҳри қаттиқ одамни ҳам кўнглини ўзига нисбатан ийдиралади ва ҳар қандай хавфли мушкул ҳолатдан қутулиб кетади дейилмоқчи”. [4;396]

Ўзбекнинг қизига тасанно, офарин,
Саноғи- чеки йўқ, келинчак хислатин.

“Тош келса кемирар, сув келса симирар”,

Ҳаммага ош тортиб, ўзи тош кемирар

“Бахт нима ?” шеърида “Тош келса кемириб, сув келса симириб” [5;78] деган машҳур ўзбек халқ мақолини бироз ўзгартириб, “Тош келса кемирар, сув келса симирар” шаклида қўллаб, мақолнинг маъносини янада аниқлаштиради, уни яна “ўзи тош кемирар” дея давом эттиради, таъсирчанлигини кучайтиради.

“Баҳор, менга гўдак бер!” шеърида узоқ йиллардан тирноққа зор бефарзанд аёлнинг андуҳлари, кўнгил изтироблари тасвирланган. Иймонли ўзбек аёли фарзандни Оллоҳ беришини яхши билади, лекин у шунчалар болага зорки, ҳар янги фаслга, ҳар янги кунга умид билан термулади:

Майли, ўғил-қиз бўлсин,
Бахти бекам бўлса, бас.
Уйим бозор бўлса эди,
Толе шодон кулса, бас.

Шеърнинг эстетик кувватини ошириш мақсадида “Болали уй – бозор, боласиз уй- мозор” [5;171] мақолини “Уйим бозор бўлса ҳам” шаклида қўллайди. “Маънолар махзани” китобида “Болали уй – бозор, боласиз уй- мозор” мақолига шундай изоҳ берилган: “Фарзанд – оиланинг бойлиги, қувончи, ота-онанинг таянчи. Фарзанднинг дунёга келиши биргина ота-она учун эмас, балки атрофдаги кишилар- қариндош – уруғ, ёр – биродар, қўни-қўшни, таниш-билишлар учун ҳам олам-олам қувоч бахш этади. Кўпгина мақолларда шу нарса ўз аксини топган: “Болали уй-хандон, Боласиз уй-зиндон”; “Болали уй-гулистон, Боласиз уй -гўристон”.

“Сабр туби-сарик олтин”,

Халқнинг сўзи чин эрур.

Икки мучал, ҳам етти йил,

Ярим умр ортдадур.

Уйим бозор бўлди бу кун,

Кўнглим- гулзордир бугун.

Мазкур бандда “Сабр туби-сарик олтин” мақоли тўлиқ ва “Болали уй бозор” мақоли лексик-семантик маъноси сақланган, аммо шакли ўзгарган ҳолатда келтирилган - *Уйим бозор бўлди бу кун*.

“Маънолар махзани” китобида “Сабр туби-сари(к) олтин” мақолига шундай изоҳ берилади: ота-боболар бу ва бу каби бир талай мақолларда кишининг ҳаётида сабр-тоқатли, чидамли, қаноатли бўлиши нақадар ажойиб фазилат эканлигини таъкидлаб, бунинг акси қанчалар ёмон оқибатларга олиб келишини уқтирганлар: “Сабр-умр хазинаси”; “Ақл-одамнинг кўрки, Сабр унинг хазинаси”; “Сабр сўнгги-соф олтин” каби вариантлари келтирилган. [4;323]

Шеърятда Ватан мавзуси ҳаёт қадар кўҳна ва орзулар каби ҳамиша навқирон. Бир шоир Ватан образини куёш ёғдуларида кўрса, иккинчиси дарахтга, учинчиси тупроққа менгзайди. “Сайрагим” – шоиранинг ватан ҳақидаги энг сара шеърларидан бири ҳисобланади.

Икки дарё ораси сенга бўлибдир макон,

Афсус, икки дарёдан ном бору камдир нишон,

Чорасиз дардларингга ер яқин, йироқ осмон,

Дилда соғинч хитобим- она қишлоқ Сайрагим.

“Осмон узок , ер қаттиқ “ мақолининг [5;151] “ер яқин, йироқ осмон” шаклида моҳирона ўзгартирилган. Эганинг гап охирига кўчирилиши натижасида мантикий урғу *йироқ* сўзига тушади. *Узоқ* сўзи ўрнида унга маънодош бўлган *йироқ* сўзининг қўлланиши янги маъно англатиб, шеърга ўзгача руҳ бағишлаган ҳамда таъсирчанликни кучайтирган.

“Маънолар махзани” китобида бу мақолнинг : “Осмон йироқ ер қаттиқ, ўлай десам жон тотлик”; “Кўкка боқсам кўк йироқ, Ерга боқсам, ер қаттиқ” каби бир қанча синонимик вариантлари учрайди. Бу мақоллар ҳаддан ташқари оғир аҳволга тушиб қолган кишилар томонидан: “Жуда оғир аҳволга тушиб қолдим. Лекин, иложим қанча: осмон узок(яъни худодан тилай десам, бари бир фойдаси йўқ), ер қаттиқ(яъни ўлай десам ўлолмайман-жон ширинлик қилади, тириклайин эса ерга киролмайман)” деган маънода айтилади. [4;277].

“Аёл- ҳаёт сарбони” шеърда муаллиф ўзбек аёлини таърифлар экан, халқ орасида фаол қўлланувчи “Аёлнинг жони қирқта” [4;77] мақолининг *Аёл жони қирқ бирдир* шаклида ўзгартирилиши маънони аниқроқ ифодалашга хизмат қилмоқда:

Сиз билмайсиз, азизим,

Аёл жони қирқ бирдир.

Бири ўчса ногоҳон,

Зумда бири ёнадир.

Шоира шеър вазни ва қофиясини сақлаш учун сўз тартибини ўзгартиради. Бу эса баён этилмоқчи бўлган фикр, мақсаднинг ўқувчига тезроқ етиб боришини таъминлайди ҳамда шеърдаги фалсафийликни кучайтиради. Ўзбек аёлининг жони қирқ битта бўлиши жуда чуқур рамзий маънога эга бўлиб, аёлнинг жонфидалигини, хокисорлигини, сабр – бардошли эканлигини таъкидлайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, халқ мақоллари, иборалари ва ҳикматли сўзлардан унумли фойдаланиш Эркиной Султонова шеърларига таъсирчанлик бахш этади, шу билан бирга унинг халқона сатрларига бадиий жиҳатдан сайқал беради

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли миллий тафаккур маҳсули. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати/Маҳмудов Н. Худойбергана Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. Т.: “Маънавият”, 2013.
2. Мамажонов А. Қўшма гапларда антитеза// Ўзбек тили ва адабиёти. 1990, 6-сон.
3. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992.
4. Шомақсудов Ш. Шораҳмедов Ш. Маънолар маҳзани. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2018.
5. Ўзбек халқ мақоллари. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.
6. Буркитбаева Ш.Д. Тәуелсиз Қазақстандағы түркі халықтары поэзиясы: тарихи таным және ұлттық бірегейлік (ахысқа түріктері, өзбек, ұйғыр, татар ақындарының шығармалары бойынша). Философия докторы (PhD) дәрежесін алу үшін дайындалған диссертация. Алматы, 2021.
7. Зуннунов А. Ҳотамов Н. Адабиёт назариясидан қўлланма. Т.: “Ўқитувчи”, 1987.
8. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2014. – 320 б.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-ж. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007.
10. Туркистонлик шоир ва ижодкорлар. Тўплам. –Туркистон, 2013.
11. Ёқубов О. Сўз. Тошкент.: “Шарқ” нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2019.
12. Дадабоев Ҳ. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. Тошкент.: “Фан”, 2007.
13. Ефимов А.И. Стилистика художественной речи. Москва.: “Наука”, 1981.
14. Ҳамидов З. Боқий сўз. Т.: “Тамадун” нашриёти, 2017.
15. Саттор М. Ўзбекнинг гапи қизиқ. Т.: “ФАН”, 1994.
16. Мўминов Ғ. Изланишларимдан қатрлар. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006.
17. Қаримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. Самарқанд. 1993..
18. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-ж., Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.
19. Маҳмудов Н. Тил. – Тошкент: Ёзувчи, 1998.
20. Султонова Э. Қалдирғоч қанотида. Шимкент – 2014.
21. Султонова Э. Уммон кўнгил. Чимкент – 2024.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ

7 ЖИЛД, 3 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ТОМ 7, НОМЕР 3

INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

VOLUME 7, ISSUE 3

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000